

Бангладеш Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамидинг Бухорога сафари



16 июнь куни Бангладеш Ҳалқ Республикаси Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид мамлакатимизга ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмоннинг сафари Бухородан бошланди.

“Бухоро” ҳалқаро аэропортида Бангладеш раҳбари ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдуҳакимов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев ва Бангладеш давлатининг мамлакатимизда Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. Манан кутиб олдилар.

Хорижлик меҳмонлар Бухорода бўлиш доирасида буюк аждодимиз, Нақшбандия тариқати асосчиларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд тарихий мажмуасини зиёрат қиласи. Шунингдек, улар қадимий Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси, Лаби Ҳовуз ансамблини томоша қилиши кўзда тутилган.

Манба: УзА